

Адабиётимизнинг классик даври санъат ва унга тегишлик масалаларда ўзига махсус тарзда тараккий ва конунларга эгадир.

Буюк адиб ва шоирларимиз фикри ҳаёт эътибори билан ислом динига ва унинг жавҳари бўлгон исломий тасаввуфга мансуб бўлгонидан ҳаётга ва турли тазохуротига назарлари табиий ўларок шу манзумаи фикрия доирасида бўлур эди.

Бу ҳукмимиз умумият эътибори биландир, чунки шаркнинг энг буюк кишилари энг буюк мутасаввуфларидир ва башариятнинг «урфони коинот» ҳақида топгон йўлларининг энг муаззами ва бу кунга қадар кўпчиликка нуфуз эътибори билан энг умумий ва ҳаётийси тасаввуфдир.

Йўкса узун исломий маданий-адабий ҳаётимиз муддатида манзумаи фикрия эътибори билан ҳаётга ва унинг натижаси ўлароқунинг турли тазохуротига бошқа ва ўзларига хос нуктаи назар эгалари йўк эмас эдилар.

Бу «исломий» назар истар «инна мин ал-шеъри ла-хикма»сидан ва истар майдонда бор адабий асарларнинг кўрсатилишидан маълум бўладир: шеърдан максад хикматдир, яъни халкнинг фойдасидир. Бошқача айтганда санъат санъат учун эмас, балки санъат ҳаёт учундир.

Бу даъвомизнинг исботи учун кўб узоқларга боришга ҳожат йўқдир. Бизда шеърнинг икки жабҳаси бордир. Чунки «ишқи»миз икки жабҳалидир: ҳақикий, мажозий.

Ҳақикий ишқ руҳи умумийга ҳулул дардидирки, энг юксак ва орифона бир амалдир.

Мажозий ишқ эса оддий ва нафсоний эҳтиросдирки, умумий ва табиий бир майлдир.

Кўруладирки, бу икки турли ишқ ҳам мабдаи ва ҳам гоё эътибори билан ҳаётий ва инсонийдир. Чунки инсон бир мавжуд ва ҳам шуурлик бир мавжуд бўлгони сифати билан ўзининг яратилишини ва яшашининг гоёсини тушунмак ва билмак истайдир. Табиий бир махлук бўлиши эътибори билан эса жисмоний эҳтирос ва ҳавасларга ҳам боғлонгондир.

Бу икки «майл»ким натижада икки «ишқ»ни вужудга келтирди, икки «шеърий жабҳа»ни ҳам майдонга отди. Бирисида «ҳақикий ишқ» тараннум этилди, иккинчисида эса «мажозий ишқ» рақслари ўйналди.

Туркда «Хикмат» соҳиби Яссавий, «Лисон ут-тайр» нозими Навоий, «Лайли-Мажнун» муаллифи Ғузулий, «Мабдаи нур» эгаси Машраб, «Илохийлар» эгаси Ошиқ Пошшо, «Илохий тараннумлар» соҳиби Амирийлар шу ишқ шоирлари эди.

Юксак фикр ва буюк гоё эгалари энг буюк одамлардирлар. Буюк мутасаввуфлар, инсониятпарварлар, ҳакимлар энг буюк зотлар бўлгонларидан уларнинг асарлари табиий ўларок башариятнинг юксак фикр ва буюк гоё саҳифаларидир.

Шу қисқагина муқаддима билан турк адабиётини фикр ва маъно жихатидан икки жабҳага бўлгандан кейин мақоламизнинг тилаги бўлгон адабиётнинг гўзаллиги ва ясадиши баҳсига келамиз.

Турк адабиёти фикр ва гоё жихатидан шу қадар юксак бир манзумаи фикрияга мансуб экан, шакл эътибори билан қандай ҳолда эди?

Бу масала биринчи бокишда кўрунгани қаби енгил эмасдир. Турк адабиётининг шакл жихатилан вазиятини майдонга отиш айрим татаббуларга боғлиқдир.

Эскидан қолгон турк, сўнгра бошқалардан қабул қилинган аҷамий шакллар, биринчи хилнинг тақомул равиши, иккинчисининг ўзгариши, бу кунги халқ адабиётида асл турк шаклларининг ҳоли форс ва араб шаклларининг Туркистон ва Туркиядаги янги адабиёт давридаги ҳолини ўрганиш турк адабиёти мабҳасларида ишланмаган мавзулардан

биридир.

Вазн масаласи ҳам шунга ўхшашдир. Асл турк вазнининг бу кунги холи арузнинг Туркияда Хомид, Фикрат ва Яхё Камол, Туркистонда Муқимий билан янги адабиётчиларимиз кўлидаги вазият жиддий текширилатургон мавзулардир. Шундай бўлса ҳам бу мақола сигдирганича бу масалалардан бахс этсак ва шу тўғриларда умумий фикрлар юрутсак, балки келгуси татаббулар учун бир бошлангич ясагон бўлурмиз.

Бизда янги адабиёт Туркия адабиёти таклиди билан бошлангондир. Шунинг учунда бизнинг адабиётимиз билан Туркия адабиётининг умумий сажияси муштаракдир. Рухда ва шаклда Туркистон, Кафкозё, Крим доимо Туркияга эргашадир. Бу ҳам табиийдир. Чунки аввалан тил муштаракдир, сўнгра тарихий маданият муштаракдир ва оқибат Оврупо маданиятига қарши бу кунги вазият муштаракдир.

Навоий асрида чигатой адабиёти кучли бўлгонидан Туркия адабиёти бизнинг адабиётдан кўб мутаассир бўлгон эди. Бу куни эса гарб турк адабиёти бизникидан кучли, маданий ва адабий ҳаётга молик бўлгонидан бизникилар уларга эргашмақдирлар.

Бизда янги адабиёт кучли шахслар билан бошланмади ва ҳали кучли намояндалар бермади.

Ўзбек янги адабиётининг насри, тилини энди янги-лаб келаётгон Фитрат билан, ишини кўбдан бошлаб эндигина майдонга отишга муваффақ бўлгон А.Кодирийдан бошқа ҳеч бир нимага молик эмасдир.

Шеърда бўлса Чўлпондан бошқа тилга оларлик ва ишини кўрсата олгон кишимиз йўқдир. Бунингдан камчиликлари ҳали жуда кўбдир.

Бизда шеърнинг шу назм қисмига кўбрак қизиққан ва шоир отини шу мазмунда олмоқ истаганлар кўбрак бўлгонидан бу мақоламизни шеърнинг шу манзум қисмига ҳаср қилмоқ истадик. Ўзбек насри тўғрисида бошқа вақт ёзармиз.

Бизда янги адабиёт — боришидан кўринадики— «санъат ҳаёт учун» деган шиорни тутгандир. Чунки манзума ва мансур асарларнинг ҳар қайсисида ҷамиятнинг тақомули таъқиб қилинадир ва гоёси кўрсатиладир. Шунинг учунда у ҷамиятнинг ҳато ва саҳвларидан бахс қилади ва тузатилишини истади. Демак бу кунги адабиётимиз ҷамиятимизнинг ислоҳи учун хизмат қилади.

Эски тасаввуфий адабиётимиз ўзининг ахлоқий дастурлари ва ҳикматлари билан эски ҷамиятимизни тарбияламак истар экан, бу кунги ҷамиятимиз адабиёти ҳам бошқа асрий асосларга таяниб, яна ўшал ҷамиятни ислоҳи учун боради. Бу эътибор билан эски ва янги турк адабиётининг самимий бир робитаси бордир.

Шеър техникаси эътибори билан, яъни шакли назм, тил, тарзи баён ҷихатидан бўлса ҳеч алоқаси йўқ даражада эскидан ажралгондир. Эски назм: девои йўли, газал, қасида, маснавий, мураббаъ, мухаммас, мусаддас, таржиъ, таркиббандлар, рубоий қабил шакллардан иборатдир.

Бу кун бу шаклларнинг девон йўли билан мураббаъ ва маснавийга ўхшаш қитъалардан бошқа ҳеч бириси ишлатилмади. Бошқаларининг ўрнига гайри муқаррар турли иттиродсиз шакллар ишлатиладир.

Эски тил ислом руҳини тараннум этганидан исломий истилоҳ ва таъбирлар билан тўлдирилгон ва араб-форс маданиятининг ўртага отгон фикр ва қобилларини ўзига кўб олгон эди.

Бу кунги тил бўлса у эски исломий руҳдан айрилгонидан биттобеъ унинг истилоҳ ва

таъбирларини, фикр колибларини ташлаб оз бўлса хам асрий фикрлар, баъзи бир колиблар - сўзлар олмокда ва шу йўл билан бормокдалар. Бу янги тилнинг бир хусусияти, муховара тилига ёклашмок тамойули борлигидир. Эски тарзи баён ва саноеъи шеърия конунларидаги эски ташбех, истиора ва таржилар, тамсил ёки насихат йўллари ташланиб табиийликка якин-ясама санъатлар — тасаннуъдан узок, бир оз рамзий (символический) ифода ўрун олмокдадир.

Бу эски ва янги адабиётнинг хусусиятларидан кўрилдики, янги адабиёт эскидан назм техникаси эътибори билан анча айри ва асл хусусиятларга моликдир. Факат кўрайлик кани, бизнинг шоирлар бу хусусиятларни канча ўзлаштирганлар ва канча муваффақ бўлгонлар.

Сўзимиз шеърнинг техникаси устидадир. Айта оламизким, шоирларимиз ва шоир бўлгучиларимизнинг энг катта ахамиятсиз карагон ва диккат килмагон нукталари шундадир.

Уларнинг мавзулари билан олгон шакллари, кабул килгон вазн ва оханглари, сўз тузишларининг алокаси йўк хукмидадир.

Бу робиталарни эски шеърга уста Фитрат билан янги шеъримизнинг биринчи намояндаси Чўлпоннинг оз-моз риоя килгонини кўрамиз.

Фитратнинг манзум - шеъри уч-тўртдан ошмагонидан унинг тўгрисинда бир хукм бермак у кадар тўгри бўлмас. Лекин Чўлпон тўгрисида юкоридаги хукмимиз ўрунсиз эмасдир. Яъни у шеърнинг техника жихатига бир оз ахамият берадир. Кўбрак диккат килса эди ва шу камчиликларини тўлдирса эди, янги адабиётимиз устига жиддий таъсир ижро килгон бўлур эди.

Даъволаримиз курук бўлмасин, бир оз катта ёзувчиларнинг фикрлари билан хам танишайлик:

Америконинг машхур хикоянависи ва шоиридан бўлгон Эдгар Пў «Тайна творчества» деган маколасида бир дoston кандай ёзилгонини хикоя киладир: у, шеърда илхомни тамомила рад килмаса хам, унга энг ахамиятсиз ўрун берадирки, мана шу бизга керакдир. Унингча, шеър тамомила мухокама, хисоб ва ўлчак натижасидир.

Эдгар Пў айтадир:

«Мен хаммадан бурун берилатургон «таъсир»ни атрофлича ўйламокни ортик кўраман. Шу билан доимо назарда тутилиши керак бир нарсa борки, уда асолат — оригинальностдир, хар кимки буни назарда тутмаса кўб гунох килгон бўладир. Бошлаб ўзимдан: «Одамнинг юрагига, аклига, жонига таъсир килатиргон нарсалардан нима ва кандайини танлаб олиш керак?» деб сўрайман. Бир янги ва кучли таъсир ажратгондан кейин шунга кандай килиб муваффақ бўлишни ўйлайман. Бир оддий мундарижа ва бир хос оханг (тон) воситаси биланми, аксинчами ёки мундарижа ва охангнинг хослиги биланми? Бундан сўнг матлуб таъсирга етишмак учун калималар билан вокеанинг жараёнини уюштиришга тиришаман.

Кўпчилик ёзувчиларни, айникса шоирларни — улар аллакандай юкоридан келатургон илхомнинг таъсири остида ёзадирлар, деб эхтиром киладирлар. Холбуки, бу зотлар келиб шоир ва ёзувчиларнинг мусваддаларини бир кўрсалар эди ва уларнинг ёримчик ва ишланмаган фикрларининг чизилганини ва улар билан бир каторда бутун фикрларининг хали ишланмаган бир холда ётгонини, айрим, мукамал тасвирий парчаларнинг кўздан тушуриб колдиргонини, унинг ўрнига аллакандай сўзлар келтириб, бир-бири билан зўрлаб уюшдирилгонини кўрса эдилар, ижодий кучнинг юздан тўксон тўккузини хисоб ва ўлчамнинг ташкил килгонини тушунар эдилар».

Эдгар Пў ўз даъвосининг шохиди ўларок «Карга» деган достонининг ёзилиш тарикини кўрсатадилар ва: «Бу достоннинг ҳеч бир сатри илхом билан бўлмади, ёлғиз риёзий йўл билан, яъни ўлчам ва санаиш билан бўлди» дейдир.

Бу достончи назарда тутғони юқорида айтганимиздек муайян таъсирдир. Ва шу тилакга эришмак учун тиришадир. Бошлаб манзумасининг ҳажмини белгиламакчи бўладир.

Чунки унинг тилаги бўлгон «таъсир»ни тугал бера олиш учун манзуманинг бир ўтиришда ўкилиб битиши лозимдир. Бир мажлисда ўқилмаса, бўлиниб-бўлиниб ўқилса «умумий таъсир» йўқоладир. Манзуманинг бирлиги бутунлиги кўлдан чиқадир. Холбуки, шоирнинг тугал бир таъсир ижро эта олмок учун ҳеч бир воситани кўлдан чиқармаслиги керак. Бу бир ўтиришда ўқилатургон асарнинг албатта узун бўлмаслиги шарт. Шунинг учун бу ёзатургон нарсасини юз байтдан оширмасликка тиришадир.

Шеърнинг бошқа шакллари кўйиб нечун достоннинг қабул қилингонига келайлик.

Эдгар Пў дейди: «Шеърдан таъсир, асосан, гўзаллик воситаси билан бериладир.

Гўзаллик ва гўзал нарсани ҳис этганда инсоннинг руҳи юксаладир. Менимча, гўзалликнинг энг биринчи замини достондир. Агар бир ҳақиқат бермак истасак ёки бир «эхтирос» кўрсатмакчи бўлсок бунинг энг яхши замини айрим парчадар билан «наср»дир.

Гўзалликни ўзимнинг майдоним қарор бергандан сўнг «тарзи баён»нинг тон масаласи билан шугулландим. Таҷриба билан «тарзи баён»нинг қайғули бўлишини қарор бердим.

Ҳар бир гўзалликнинг энг юксак мартабасида кўз ёш сўрайдир. Шунинг учун (меланхолик) «савдойи» бир тарзи баён - достон учун энг мувофиқ бир тарзидир. Ҳажм, замин (шакл) ва тарзи баён белгилашач, санъатқорона бир инжалик (художественная тонкость) излай бошлайдики, бутун достоннинг очғичи бўлсин. Артистона таъсир бериш қилиқларини бир кўздан кечиргандан кейин биладики, унинг энг биринчи шай усули (припев) «таржиъ» усулидир. Бу припевнинг умумийлиги мени таҳлил қилиб ўтирмасдан қабул қилишга ва яроқли билишга қаноат қилдирди. Таржиъбанд мустаҳкам намуналарда ёлғиз рубобий (лирическая) манзумалар бўлиши билан таҳдид этилган эмас, балки унда берилатургон маъно ва садонинг яқ оҳанг (монотонность) бўлиши билан ҳам таъсирни қучайтирмак истайдилар.

Бунинг устига айният (однообразие) ва такрор ҳислари воситаси билан ҳам завқ олинадир. Холбуки, ман бу асарга турлилик ҳам қиритайин ва бу билан ҳам таъсирни қучайтирайин дедим. Шунинг учун садонинг яқ оҳанглигии сақлаб туриб, маъносини эса ўзгарта бордим. Яъни бандимни ўз ҳолига қўйиб туриб унинг мавқеини ва сифатини ўзгарта турдим.

Бу қарорлар бўлгондан кейин энди «таржиъбанд»ни топиш қолгон эди. Маълумки, юқоридаги муҳокамаларим натижасида унинг қиска бўлиши лозимдир. Шунинг учун таржиъбанд ўларок бир сўз олдим. Бу сўзнинг такрорланиб туриши учун достоннинг қитъаларга бўлиниши ва ҳар қитъанинг охирида бу таржиъбанднинг такрорланиши керак эди. Табиий, бу сўзнинг ҳам оҳангдор, ҳам маънидор бўлиши лозим эди. Бу муҳокамалар «ҳеч вақт, мумкин эмас, бўлмайди» маъносида бўлгон (невер море) сўзини олишга мени мажбур қилди. Бу қалиманинг яна бир ортиқлиги услубнинг қайғули бўлишига маъно томонидан яқин бўлишидир.

Энди мавзуга ўтайлик:

Барча қайғили масалалардан энг умумийси ва энг қайғилиси қайсиси? Табиий ўлум қайғиси эмасми? Ўлум гўзаллик билан бирлашганда шоирона бўлмайди; гўзал хотуннинг ўлуми! Бундан кейин бошимда бир ошқ ва бир маъшук мазмуни жилваланди.

Энди карор бердимки, ошикнинг маъюсона хасратларига карши машъум саналгон ва як оханг товуш чикаратургон карга огзидан шу «невер море» жавоби чиксин. Шунда карганинг хар бир жавобида яна бошка бир таъсир бериш имкони борлигини сездим. Шундай килиб энди ман асаримни бошламокчи бўлдим. Бошдан таъсирни секин-секин кучайтириш менга маъкул кўринди. Ва шунинг учун аввало, истинод нуктасини белгиламакчи бўлиб энг юксак таъсирни тайин килмокчи бўлдим ва достонимнинг энг охири бўлгон «китъа»ни кўлга калам олиб энг аввал ёздим.

Энг охирги парчадан бошладим, чунки аввало энг кучли таъсирни белгилаш керак эди. Бу муайян бўлгондан кейин достонни турландирмак йўли очилди. Иккинчидан, хар китъанинг кофия, вазн ва хажмини катъий суратда белгилаш мумкин бўлди ва таассурнинг энг юксаги бел-гилангандан сўнг бу таассурдан оширмаслик ва унга зарар бератургон сабаблардан узок бўлишлик керак эди».

Бундан кейин Эдгар Пў узун тахлилларга давом килиб воқеанинг ўтиш вақтини белгилайдир ва унинг коронгу ва бўронли кечани олгонини, карганинг ташкаридаги гурултилардан кочиби келиб теразага каноти билан урганда очилиб уйга кирганини ва кириб «Паллада»нинг мисдан ясалгон кора хайкали устига ўтиргонини ва бу хайкалнинг «бир олим»ники бўлиши билан ошикнинг олимлиги ва коралиги билан мавзунинг коралиги орасидаги муносабатлардан бахс кила бошлайдир. Ва энг сўнггидан айтадирки: «Хар канча бу ясама планим ва кўрсатган ўлчакларим очик ва маълум бир нарсадан бахс килсалар ҳам яна меним кўнглим хаммасининг ичида яширин, мунда мажбур фикрнингда бўлишини истади ва шунинг учун бир-икки умумий ва яширин фикр ҳам бердим».

Бу юкоридан бери узундан-узок такдим килингон фикрлардан мақсад ёлғиз кобилият деган кучнинг кандай ишланганини ва ясамаликлар оркасида жилваланганини кўрсатмакдир. Бу фикрларга ўзбек ёш адабиётининг эҳтиёжи буюкдир.

Бу кунги адабиёт ўз тарихидан тамоман узилган бир холда борадир. Эскидан бир нарсаси бор эдими, йўкми, тили кандай холда эди, ишланган эдими, йўкми, не даражага қадар ишланган эди, ортиклик ва камчилиги қаерида? Адабий оким жараёнлари бор эди. Уларнинг бир-биридан айирмалари кандай ва не даражада эди, бу кунги адабиёт нега эскини ташлади, ўзининг бу ишидан зарар кўрдими, форвда? Бу масалалар жиддий бир адабиёт тугдириш даврига эришилган бўлса, кенг бир суратда майдонга ташланатургон ва очилатургон мабхаслардир.

Кискагина шуни айтайликким: Турк тили асосан бой тил бўлиши билан ва турк миллатининг огзида неча минг йиллардан бери юруб, икки минг йилга якин адабий йўлга кирди ва бешинчи аср хижрийдан бошлаб ўнларча буюк шоир ва адибларга эга бўлуб, илмий ва адабий ишланиб келди; шарк турк адабиётининг олтун даврлари бўлгон Навоий, Умархон даврлари билан гарб турк адабиётининг Фузулий, Бокий, Надим, Лола даври ва асримизда Хомид, Номик ва Фикрат каби энг буюк шоир ва санъаткорлар кўлида ҳам керагинча ишланди ва турк тили шунинг учунда асрий бир холга кирди. Шарк турк адабиётининг олтун даврларидан сўнг ишланмай колгонини даъво килатургонлар бўлса ҳам, бу фикр тўғри эмасдир, текширмаслик ва юзаки карашдан келгандир. Чунки ярим асргина илгари яшагон Муқимий, Фуркат каби ўнларча шоир ва санъаткорлар тилни шу қадар ишлатганларки, бу кунги ёш адабиётимизнинг холи уларга етишига қўб замон керакдир. Бунинг устига бу кунги «Фаргона» халк ашулаларидаги тилнинг равонлиги, соддалиги, самимийлиги ўз-ўзидан ва бошлангич (первобитний) бир холда эмас, балки узун муддатлар ишланганлик оркасидагина эришилгандир...

Навоийнинг тил ва услуби маълумдир. Шунинг учун ундан мисол кўрсатмай шарқ турк шеърининг иккинчи олтун даври бошлиги бўлгон Умархоннинг бир мухаммасини кўрайлик, Навойдан канча фарқи борлиги ўз-ўзидан билиниб қоладир:

Сахар чаманда кулогимга бонг авд етар,
Башорати карим вожибул вужуд етар.
У кечаким тўлун ой сагрия жавд етар,
Фалак ситорасидин шарбати шухуд етар,
Савод сармадима кўзларимга дуд етар.

Буни кўрсатмакни иккинчи бир сабаби ҳам бор. Юкорида Эдгар Пўнинг тахлилини кўрдик. Амирийнинг шу газалини ўшанга караб бир оз тахлил қилайлик: Умархоннинг мавзуи тасаввуфнинг юксак нуктаси бўлгон умумий рухга фано бўлиш, қуюлиш, қоинот руҳи билан бирлашиш мавзудир. Ўшанинг хасратидир. Эдгар Пў таъсирни гўзаллик орқасида бериш кераклигини айтадир. Факат бир ўлум масаласи чиқарадир ва гўзалликни унга қўшиш учун «гўзал бир хотуннинг ўлуми» деган мавзунини олади. Холбуки, кўрингиз ўзининг қўйгон «гўзаллик орқали таъсир, бериш» қонунига Умархонни муваффақ бўлгон, Эдгар Пўми? Мавзу орасидаги тафовутни кўрингиз, Умархоннинг ҳам қайғуси, хасрати бор, лекин «бир хотуннинг ўлуми учун» эмас, қоинотнинг умумий руҳига қуйилиш хасратидир. Кўрингиз мавзу нақадар буюк, нақадар олийдир.

Сиз қандай талаққий этсангиз этингиз, буни қи аниқ-қи, инсоннинг эришган энг юксак даража фардиятчилиқ (индивидуализм) эмас, ўзининг фардиятини йўқотиб, жамият ҳаёти яшашида, ундан ўтса хинднинг сигирни тимсол (символ) қилиб олгон хайвон дўстлигида, яъни бутун жонли нарсаларни сўйишда, бундан ҳам ўтса жонсиз нарсаларда ўзига муштарак ҳаёт тасаввур этишда ва уларнинг умумий руҳларини сезиш учун интилишдадир.

Тасаввуф мана шу энг сўнгги нукта маслагидир.

Умархон шу фалсафанинг бир намояндаси бўлгонидан сахарнинг насими, уднинг суруди. оининг нури, юлдузларнинг сўзлари, кечанинг қоронгулиги унга гапирадир. Уларнинг сўзларини сезадир. Руҳлари билан сирлашадир.

Бу мавзунини олгонлан қейин бунга муваффақ бир шакл топқонми, йўқми? Албатта! Чунки мухаммасни олгон. Мухаммас Эдгар Пўнинг тахлилидан маълум бўладирки, банд-бандга ажралгон ва ҳар қайусида бир-бировига алоқадор, факат айри-айри мавзулар ишлата тургон, яъни бутун фикрлар берилиб, тугатиб бир-бировидаги робитани маҳкам боғлаб бориш учун энг муқаммал шаклдир. Сўзларнинг терилиши, қалималарнинг оҳангдорлиги, ҳарфларнинг садо бератургон, титрайтурганларининг олиниши кўрсатадирки, Умархон ҳақиқий бир санъатқордир.

Эдгар Пў (пелеточе)даги охирги «рий» ундан илгариги уст чўзғини қаланд ва оғир ва чўзик товуш бериш учун мақтайдир.

Умархонда ҳам айнан шу ҳолни кўрмаймизми? Буни бир тасодиф асарими деймиз. Шу қадар юксак фикр соҳиби ва шунча ҳунарманд бир шоирни ҳарфнинг садоси, қалималарнинг оҳанги, вазннинг тилидан ҳабарсиз демак мумкинми?

Умархондан уч юз йил илгари қелган Навоий қалиманинг, товушнинг маъно билан қелишмаги кераклигини шундай яхши татбиқ қилгон экан нечун Умархон ундан ўтқазмасун!

Кўрингиз Навоий нима килгон? Мажнуннинг гамининг тасвирида: .

Кўнглига ўгулди кўхи андух,
Андухи йигилди кўх то кўх.

Шу байтда «ў» товушининг угултиси, «г»нинг гумбирлаши, «х»нинг сочилиб кетиши ва бу товушларнинг такрори хакикатан тогнинг йикилиб, устига сочилиб, майдаланиб кетишига, йикилиб дараларнинг тўлуб, бакириб кетишига ўхшамайдирми?

Вадуд Махмуднинг жиддий, бироқ охирига етмай қолган мақолаларидан бири - «Бу кунги шеърларимиз ва санъаткорларимизда танқидчининг илмий-эстетик қарашлари ўз ифодасини топган. Мақола «Маориф ва ўқитгувчи» журналининг 1925 йил 4-8-сонларида босилиб чиққан.

Айрим сўзлар изоҳи:

1. «Инна мин ал-шеъри лахикматун» - Албатта шеърда хикмат бор.
2. Хулул - етишиш, кўчиш.
3. Мабдаи - асоси.
4. Мабхас - баҳс.
5. Сажияси — табиати, характери.
6. Хаср қилмок — ажратмок.
7. Сахв - хато, адашиш.
8. Робитаси - боғланиши.
9. Гайри муқаррир - бетакрор, такрор бўлмаган.
10. Иттиродсиз - тартибсиз.
11. Биттобеъ - кетма-кет, тобелик билан.
12. Мухова́ра тили - баҳс, суҳбат тили.
13. Тамсил - ўхшатиш.
14. Мусвадда - қоралама.
15. Шайъ - кенг(тарқалган).
16. Мустаъмал - истеъмол қилинган, ишланган.
17. Таҳдид этилган - чегараланган.
18. Истинод — суяниш, таянч.